

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Фаргона вилоят ҳокимлиги

"Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати" директори

Х.Долимов

2022й " " "

ҚУРИЛИШНИНГ ТИТУЛ РҲЙХАТИ

Бувайда тумани Қўнғирот МФЙ ҳудудида барпо этилаётган кичик саноат зонасини электр энергия билан таъминлаш учун тармоқ тортиш ва трансформатор ўрнатиш

2022 йил Манзилли дастурига асосан

1 Бўлим. Қурилиш бўйича асосий маълумотлар

1. Объектлар номи ва манзили	Бувайда тумани Қўнғирот МФЙ ҳудудида барпо этилаётган кичик саноат зонасини электр энергия билан таъминлаш учун тармоқ тортиш ва трансформатор ўрнатиш				
2. Соҳа	БОШҚАЛАР				
3. Инвестор					
4. Буюртмачи	Вилоят ҳокимлиги "Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати"				
5. Ишлаб чиқувчи:					
5.1. ТИА					
5.2. ЛСЖ ва/ёки ТЖ	"Фаргона Автомат Расчет" МЧЖ				
5.3. Экспертиза	"Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУК Фарғона вилояти				
6. Пудратчи	"Фаргона Автомат Расчет"				
7. Молиялаштириш манбаси	Маҳаллий бюджет				
8. Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили	2022-2022				
9. Қурилишнинг асосий кўрсаткичлар	Объектнинг умумий қиймати	01.01.2022й ҳолатига қолдиқ			
Лойиҳа қуввати (тегишли бирликлар бўйича)	1 объект	1 объект			
Асосий фондлар	1454,000	1454,000			
Капитал қўйилмалар	1454,000	1454,000			
Қурилиш - монтаж ишлари	1349,000	1349,000			
Жихоз					
Буюртмачи бошқа ҳаражатлари	54,418	54,418			
Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари	50,582	50,582			
2022 йил тасдиқланган манзилли дастурига асосан ажратилган лимит	жорий нарҳда млн.сўм.				
Топшириладиган қувват (тегишли бирликлар бўйича)	1 объект				
Асосий фондлар	1454,000				
Капитал қўйилмалар	1386,550				
Қурилиш - монтаж ишлари	1281,550				
Жихозлаш					
Буюртмачи бошқа ҳаражатлари	54,418				
Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари	50,582				
2 Бўлим. 2022 йил чораклар кесимида ажратилган лимит	(жорий нарҳда млн.сўм)				
	ЖАМИ	шу жумладан:			
		I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Топшириладиган қувват (тегишли бирликлар бўйича)	1 объект				1 объект
Асосий фондлар	1454,000				1454,000
Капитал қўйилмалар	1386,550			307,350	1079,200
Қурилиш - монтаж ишлари	1281,550			202,350	1079,200
Жихозлаш					
Буюртмачи бошқа ҳаражатлари	54,418			54,418	
Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари	50,582			50,582	

ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАРИ

(бюджетмачи тўлдиради)

1. Инвестиция лойиҳани амалга ошириш Вилоят ҳокимининг
30.05.2022й 196-11-0-F/22-сонли фармойиши ва 2022 йил Манзиллий Дастурига асосан
(инстанциянинг номи ва қабул қилган қарорнинг рақами ва санаси)

2. Лойиҳанинг экспертиза хулосаси 08.09.2022й №59970
(хулосанинг рақами ва санаси)

3. ТИА (ЛСЖ) тасдиқланган Вилоят ҳокими ўринбосари томонидан
(ТИА (ЛСЖ) тасдиқлаш қарорининг рақами ва санаси)

4. Қачон тендер (танлов) ўтказилди 22.09.2022й, Лот №148234
(санаси)

5. Тендер (танлов) ғолиби "Фергана Автомат Расчет"
(Қурилиш пудрат ташкилоти номи)

6. Шартнома 26.09.2022й №455 1349,000 млн.сўм.
(рақами, санаси ва қиймати)

7. Лойиҳа ҳужжатларини қурилиш-монтаж ишлари билан параллел равишда олиб бориш рухсатнома
(инстанциянинг номи ва рухсатноманинг рақами ва санаси)

8. Тендерсиз лойиҳани амалга ошириш рухсатномаси
(инстанциянинг номи ва рухсатноманинг рақами ва санаси)

9. Лойиҳанинг қисқача маълумот ва мақсади
Бувайда тумани Қўнғирот МФЙ ҳудудида барпо этилаётган кичик саноат зонасини
электр энергия билан таъминлаш учун тармоқ тортиш ва трансформатор ўрнатиш

10. Молиялаштириш схемаси _____ пул ўтказиш

11. Импортга талаб ташкил этади _____ млн. АҚШ дол. шу жумладан:

- жиҳозлар сотиб олишга _____ млн. АҚШ дол.;
- хом ашё сотиб олишга _____ млн. АҚШ дол.;
- бажарилган иш ва хизматлар _____ млн. АҚШ дол.;
- чет эл кредитини қоплашга _____ млн. АҚШ дол.

БУЮРТМАЧИ

Директор ўринбосари



ПУДРАТЧИ

"Фергана Автомат Расчет" МЧЖ

М.Каримов



Раҳбари

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати» номидан Низом асосида иш кўрувчи директори Ҳ.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Фергана Автомат Расчет» маъсулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари М.Каримов иккинчи томондан «Бувайда тумани Қўнғирот МФЙ ҳудудида барпо этилаётган кичик sanoat зонасини электр энергияси билан таъминлаш учун тармоқ тортиш ва трансформатор ўрнатиш» объектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I.Тарифлар

1.Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

Ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;**қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;**вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;**шартнома нарҳини бўлиб чиқиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

II.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан «Бувайда тумани Қўнғирот МФЙ ҳудудида барпо этилаётган кичик sanoat зонасини электр энергияси билан таъминлаш учун тармоқ тортиш ва трансформатор ўрнатиш» объектида лойихада кўзда тутилган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблаг ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар юзасидан ЛОТ-148234 бўйича ўтказилган танловнинг 2022 йил 22 сентябрь кунги баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиғи ва 12 % ЯИТни ўз ичига олган холда жорий нарҳларда 1 349 000 000 (бир миллиард уч юз қирқ тўққиз миллион) сўмни ташкил этади.

4.Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:- қурилиш қийматини кўпайтириш ёнгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;-объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5.Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга " " иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нарҳидаги ишларни энг камида 50 % ўз кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ва унга ҳисоботларни ойма-ой буюртмачига топшириш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ муддатда тугатиб топшириш;- иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини этиказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондор жойлаш ва сақлаш; қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;-қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган ўрнатиш;-қурилиш таваккалчиликларини сўғурта қилиш;-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;-қурилиш майдони қўриқлинишини таъминлаш;-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши, шунингдек, объектда бажарилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисоботларни ва объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилади ҳамда объектни фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

9.Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи;-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, уч кун муддатда мазкур шартномага 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;-Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;-Объект махсус ҳисоб варағига маблаглар берилгандан сўнг молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;-мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI.Ишларни бажариш муддатлари

10.Шартнома:-миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;-кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга кирди.

11.Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан кунни ташкил этади ва объект 2022 йил " " _____ да фойдаланишга топширилади.

13.Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14.Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблаг ажратилганидан сўнг Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фоиздан) бўлган холда аванс ўтказида, бу 202 350 000 x 2 = 404 700 000 (тўрт юз тўрт миллион етти юз минг) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун объект махсус ҳисоб рақамига маблағлар ажратилганидан сўнг ойлик бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари ҳамда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолинган ҳолда, ойма-ой бажарилган ишлар учун Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб, яъни объектнинг шартномавий жорий қийматининг 5% қурилиш тугалланган объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Пудратчи томонидан объектнинг фойдаланувчисидан кафолат муддатида объектда камчиликлар аниқланмаганлиги ҳамда кафолат суммасини тўланишига эътирози йўқлиги ҳақидаги маълумот тақдим этилганидан кейин амалга оширилади, ушбу ҳужжатлар Пудратчининг айби билан ўз вақтида Буюртмачига тақдим этилмаганлиги сабабли даъво муддати ўтган ёки ажратилган маблағ бюджетга қайтганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган ҳолларда Буюртмачи Пудратчи олдида мулкӣ ва бошқа тусда жавобгар ҳисобланмайди.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини тақдим этилган давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нўқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нўқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни улашни ва улаш нўқталарида янгидан қўрилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса ва уларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради, озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарида юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш.

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40.Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X.Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42.Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43.Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан, яъни Пудратчи объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади.

45.Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46.Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47.Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади фойдаланувчига 1-ой муддат ичида топширилиши шарт.

XII.Кафолатлар

48.Пудратчи: -барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;-лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;-ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;-объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49.Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1_ йил этиб белгиланади.

50.Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51.Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII.Шартномани бекор қилиш

52.Буюртмачи:-шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;- Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суғ бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунга қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юбориши керак.Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53.Пудратчи:ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54.Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55.Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга 3 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

56.Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57.Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58.Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59.Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоиздан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.Вилоят молия бошқармасидан объектнинг Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ берилмаганлиги сабабли, тўловни амалга оширмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

60.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

61.Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош торганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

62.Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоиздан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоиздан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

63. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

64. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

65. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

65. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

-шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёزلарни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартноманинг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

XVI. Низоларни ҳал қилиш

66. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. Алоҳида шартлар

67. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

68. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

69. Мазкур шартномага барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

70. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

71. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишларни яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳаққидир.

72. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

73. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Фазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2023 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пудратчи”

“Фергана Автомат Расчет” МЧЖ,

Манзил: Фарғона шаҳар, Ломоносов кўчаси 5/1

х/р: 20208000504884450001

Банк номи: “Универсалбанк” Фарғона бўлими

Тел: 93-980-98-09

МФО: 01131

СТИР: 301815162

ОКЭД-

Раҳбар:

М. Каримов

“Буюртмачи”

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати»

Манзил: Фарғона ш. Темирйўл к. 37 уй

Тел./факс: 224-52-24

шғх: 1000 9186 0304 0120 498 05018002

СТИР: 204 816 336

ОКЭД-70220

Фарғона вилояти бўйича Фазначилик бошқармаси

ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014 Фазначилик бўлинмасининг

СТИР: 201 122 919

Раҳбар:

Х. Долимов

М.ў.

Ҳуқуқий хулоса

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъерий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Бош юристконсульт

М.М. Маматқулов

Ҳуқуқий хулоса

Буюртмачи вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати» ва пудратчи «Фергана Автомат Расчет» маъсулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган 2022 йил «26» 18 кунги 453-сонли пудрат шартномада «Бувайда тумани Кўнғирот МФЙ ҳудудида барпо этилаётган кичик саноат зонасини электр энергияси билан таъминлаш учун тармоқ тортиш ва трансформатор ўрнатиш» ишларини бажариш белгиланган. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни бошқа меъерий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Пудратчи юристи

М.у.

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

маҳаллий бюджет ҳисобидан

Бўёйда тумани Кўнғирот МФЙ ҳудудида барпо этилаётган кичик sanoat зонасини электр энергия билан таъминлаш учун тармоқ тортиш ва трансформатор ўрнатиш

Молиялаштириш шартлари	2022 йил												Жами				
	(млн. сўмда)																
	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь					
1 Шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматидан 30% аванс									202,350	202,350			404,700		404,700		404,700
2 Жорий молиялаштириш берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда										263,055	613,795		876,850		876,850		876,850
ЖАМИ									202,350	465,405	613,795		1 281,550		1 281,550		1 281,550
5% кафолат суммаси												67,450					67,450
ЖАМИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА									202,350	465,405	613,795		1 281,550		1 281,550		1 349,000

БҮЮРТМАЧИ:



ПУДРАТЧИ:



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Капитал қурилиш соҳасида
буюртмачи хизмати»
бош муҳандиси

Ш.Бахромов
« ___ » 2022 йил.

Фарғона ш.

16.09.2022 йил

Вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати» томонидан 14.09.2022 йил кунги №22110012148234 - сонли лот рақами билан Бувайда тумани Қўнғирот МФЙ ҳудудида барпо этилаётган кичик саноат зонасини электр энергияси билан таъминлаш учун пудрат ташкилоти танлаш бўйича давлат харидлари порталига қўйилган эълон яқуни бўйича йиғилиш

БАЁНИ № 73

Қатнашдилар: Ш.Бахромов - Бош муҳандис
Н.Ахмадалиев - Директор ўринбосари
Ш.Аъзамов - Бўлим бошлиғи
Н.Закиров - Бўлим бошлиғи
У.Узақов - Бўлим бошлиғи
Ж.Ҳолиқов - Бўлим бошлиғи

Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. "FERGANA AVTOMAT RASCHOT" масулияти чекланган жамияти
2. "LEADER HORSE" масулияти чекланган жамияти


Йиғилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия


ҚАРОР ҚИЛАДИ:


Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи " FERGANA AVTOMAT RASCHOT " масулияти чекланган жамияти билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йиғилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари


 Н.Ахмадалиев

 Ш.Аъзамов

 Н.Закиров

 У.Узақов

Йиғилиш котиби:

 Ж.Ҳолиқов



№15/24/5667

**Қурилиш-монтаж қалтисликларини
 мажбурий суғурталаш
 ПОЛИСИ**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2022 йил 11 феврал кунда берилган СФ серияли ва 00028-сонли Лицензия асосида фаолият юритувчи, қуйида «Суғурталовчи» деб аталувчи "GROSS Суғурта компанияси" АЖ ушбу билан 23.09.2022 йил даги 15/24/5667-сонли Қурилиш-монтаж таваккалчиликларини мажбурий суғурталаш шартномаси (қуйида- Суғурта шартномаси) бўйича мажбуриятлари кучга кирганлиғни тасдиқлайди.

СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ	"FERGANA AVTOMAT RASCHOT" MCHJ
Юридик манзил	Фаргона вилояти, Фаргона шаҳри, Ломоносова кучаси, 5
Қурилиш майдони манзили (СУГУРТА ХУДУДИ):	Фаргона вилоят, Бувайда туман, Кунгирот МФЙ ҳудудида барпо этилаётган кичик саноат зонасини электр энергияси билан таъминлаш учун тармок тортиш ва трансформатор урнатиш
ЖАМИ СУГУРТА ПУЛИ	1 079 000 000,00 (Бир миллиард етмиш тўққиз миллион) сўм (қурилиш объекти қийматининг 80% дан ошмаган миқдорда)
Суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги қалтислиги бўйича суғурта товони лимити	100 000 000,00 (Бир юз миллион) сўм
Бир ҳодиса бўйича суғурта товони лимити	20% дан ошмаган миқдорда
Суғурта ҳодисасидан кейин ҳудудни тозалаш харажатлари	суғурта пулининг 2% дан ошмаган миқдорда
СУГУРТА ҲОДИСАСИ	суғурта шартномасининг шартларига мувофиқ.
СУГУРТА МУДДАТИ	23.09.2022 йил дан 25.11.2022 йил гача
СУГУРТА МУКОФОТИ	200 000,00 (Икки юз минг) сўм
МАХСУС ШАРТЛАР	Суғурта шартномасининг шартларига мувофиқ суғурта мукофоти ўз вақтидан кейин тўланган тақдирда Суғурта шартномаси (Суғурталовчининг мажбуриятлари) келишилган суғурта мукофоти тўланган пайтдан бошлаб кучга киради.

СУГУРТАЛОВЧИ НОМИДАН
 Фаргона филиали
 менежери

Полис берилган сана: 23.09.2022 йил

0284879

*Полис бланки ҳимояланган


Шерматов М.

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ
ШАРТНОМАСИ № 15/24/5667

Фарғона шаҳри

22.09.2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 11 февралдаги СФ серияли 00028-сонли лицензияси асосида фаолият кўрсатувчи, қуйида «Суғурталовчи» деб аталувчи «GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ номидан 2022 йил 20 июндаги 143-сонли Ишончнома асосида фаолият юритувчи Фарғона филиали менежери Шерматов М.М. бир томондан ва қуйида «Суғурта қилдирувчи» деб аталувчи "FERGANA AVTOMAT RASCHOT" МЧЖ номидан низом асосида фаолият юритувчи КАРИМОВ М. бошқа томондан, биргаликда «Томонлар», алоҳида «Томон» деб аталиб, ушбу Қурилиш-монтаж таваккалчиликларини мажбурий Суғурталаш шартномасини (қуйида – Суғурта шартномаси) қуйидаги шартларда туздилар.

1-БЎЛИМ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу Суғурта шартномасининг предмети бўлиб қурилиш майдонида суғурта воқеалари натижасида мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши) ёки шикастланиши таваккалчилигидан суғурталаш, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда Суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ҳисобланиб, шу муносабат билан Суғурталовчи ушбу Суғурта шартномасида келтирилган шартлар ва/ёки ушбу Суғурта шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланган шартлар, истиснолар ва иловаларга мувофиқ суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчи/Наф олувчига суғурта товонини қуйида кўрсатилган тартиб ва муддатда тўлаш мажбуриятини, Суғурта қилдирувчи эса суғурта мукофотини ушбу Суғурта шартномасида кўрсатилган тартиб ва муддатда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу Суғурта шартномасига мувофиқ суғурта объекти бўлиб қурилиш майдонидаги ва қурилиш ва монтаж предмети бўлган бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, материаллар ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етганлиги учун Суғурта қилдирувчининг фуқаролик жавобгарлигини юзага келиши билан боғлиқ, Суғурта қилдирувчининг/Наф олувчининг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган мулкрий манфаатлари ҳисобланади.

1.3. Ушбу Суғурта шартномаси билан суғурталанган қурилиш-монтаж ишлари объекти ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган.

1.4. Ушбу Суғурта шартномасига мувофиқ Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига Ариза-сўровномада ва ҳар қандай бошқа иловаларда тақдим этган ҳужжатлар ва маълумотлар ушбу Суғурта шартномасининг ажралмас қисми эканлигини, шкнунингдек ишончли ва ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотларга эга эканлигини тасдиқлайди.

2-БЎЛИМ. УМУМИЙ АТАМАЛАР

2.1. **Суғурта предмети** – ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда суғурта жойидаги суғуртага қабул қилинаётган мол-мулк, шунингдек Суғурта қилдирувчининг фуқаролик жавобгарлиги.

2.2. **Қурилишнинг шартномавий қиймати** – аввал бажарилган иш ҳажмини, шу жумладан материалларни ҳисобга олган ҳолда қуриладиган объектнинг тўлиқ ёки режалаштирилган даврда қуриладиган қисмининг қиймати.

2.3. **Суғурта суммаси** – ушбу Суғурта шартномаси билан белгиланган, суғурта объекти суғурталанган, Суғурталовчининг ушбу Суғурта шартномаси бўйича Суғурта қилдирувчи олдидаги мажбуриятларининг чегарасини акс эттирувчи пул маблағлари миқдори.

2.4. **Жавобгарлик бўйича суғурта товони лимити** – қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етказганлик учун Суғурта қилдирувчининг жавобгарлигини суғурталаш бўйича Суғурталовчи мажбуриятларининг

чегарасини ўзида акс эттирувчи пул маблағлари миқдори.

2.5. **Суғурта мукофоти** – Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ушбу Суғурта шартномасида келишилган тартиб ва муддатда тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.

2.6. **Суғурта воқеаси** – суғурта ҳодисаси аломатларига эга ва суғурта муддатида содир бўлган воқеа.

2.7. **Суғурта ҳодисаси** – Суғурта шартномасида кўрсатилган, содир бўлган воқеа бўлиб, у содир бўлиши билан Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи/учинчи шахсларга суғурта товони тўлаш мажбурияти юзага келади.

2.8. **Суғурта полиси** – Суғурталовчининг Суғурта шартномаси бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи, суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланганидан кейин Суғурта қилдирувчига бериладиган ҳужжат.

2.9. **Суғурта шартномаси муддати** – суғурта шартномаси амалда бўладиган давр.

2.10. **Суғурта муддати** – суғурта полисида кўрсатилган давр. Ушбу суғурта шартномаси билан шартлашилган суғурта суғурта шартномаси кучга киргандан кейин содир бўлган суғурта ҳодисаларига нисбатан қўлланилади ва суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати мобайнида амалда бўлади.

2.11. **Суғурта товони** – суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта суммаси ва суғурта товони лимити чегарасида Суғурта қилдирувчи/учинчи шахс кўрган зарарни қоплаш учун Суғурталовчи тўлайдиган пул маблағлари миқдори.

2.12. **Суғурта ҳудуди** – ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган қурилиш майдони жойлашган, Суғурталовчи суғурта ҳимоясини тақдим этадиган жой.

2.13. **Учинчи шахслар** – ушбу Суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта ҳодисаси натижасида ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилган жисмоний шахслар, шунингдек Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи билан шартномавий муносабатларда бўлмаган мол-мулкига зарар етказилган юридик шахслар. Суғурта қилдирувчи, унинг оила аъзолари, ходимлари, шунингдек Суғурта қилдирувчининг номидан чиқувчи жисмоний ёки юридик шахслар учинчи шахслар ҳисобланмайди.

2.14. **Наф олувчи** – суғурталанган мол-мулкни асралишида қонунчилик, бошқа ҳуқуқий ҳужжат ёки шартномага асосланган манфаати бўлган, фойдасига ушбу Суғурта шартномаси тузилган шахс.

2.15. **Бир ҳодиса бўйича суғурта товони лимити** – битта суғурта ҳодисаси натижасида келиб чиққан барча зарарлар бўйича Суғурталовчининг мажбурияти ҳажмининг чегарасини акс эттирувчи пул маблағлари миқдори.

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲИМОЯСИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли Қарорига, шунингдек ушбу Суғурта шартномасининг муддатлари, шартлари ва истисноларига мувофиқ Суғурталовчи қуйидагилар учун суғурта ҳимоясини тақдим этади:

3.1.1. Суғурта қилдирувчининг (Наф олувчининг) мулкий манфаатларига бевосита қуйидаги гуруҳдаги таваккалчиликлардан моддий зарар етганда:

- ёнғин, яшин, портлаш, учувчи аппаратларнинг қулаши, ўзидан-ўзи ёниш;
- ўғирлик ва учинчи шахсларнинг ёвуз ҳаракатлари;
- сув тошқини ва сув босиши, қувурлар ёрилиши;
- бўрон, довул;
- зилзила, сел, қор қўчиши, ер чўкиши, кўчқи, ер силжиши;
- қисқа туташув, ортиқча кучланиш, электр ёйлари;
- машина ва механизмларнинг, қурилиш материаллари ва конструкцияларининг қулаши;

• билмай туриб ишлатилган нуқсонли материаллар ва конструкциялардан зарар етиши.

3.1.2. Суғурта қилдирувчининг мулкий манфаатларига қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда Суғурта қилдирувчи қуйидагиларни қоплаб бериши мажбуриятини юзага келиши билан унинг фуқаролик жавобгарлигини юзага келиши:

- учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғига зарар етиши;
- суғурта амалда бўлган муддатда ушбу Суғурта шартномаси бўйича суғурталанган

қурилиш ёки монтаж ишларини амалга оширишдан қурилиш майдони ёки унга бевосита қўшни ҳудуддаги учинчи шахсларнинг мол-мулкига зарар ёки шикаст етказилиши.

4-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Ушбу Суғурта шартномасига мувофиқ қуйидагиларнинг бевосита ёки билвосита натижасида юзага келган зарарлар қопланмайди:

- турли ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий тадбирлар ва уларнинг оқибатлари, миналар, бомбалар, бошқа уруш қуроллари таъсири, халқ тартибсизликлари иш ташлашлар, террорчилик, мусодара, реквизиция қилиниши, ҳибсга олиниши, мол-мулкни фуқаролик ҳукумати ва қандайдир сиёсий ташкилот топшириғига кўра йўқотилиши ёки шикастланиши;
- ядровий портлаш, радиация, радиоактив заҳарланиш;
- суғурта қилдирувчи, фойдасига суғурта амалга оширилган шахснинг ёки уларнинг вакилининг қасддан қилган ҳаракатлари ёки қўпол эҳтиёткорсизлиги;
- суғурта қилдирувчига, фойдасига суғурта амалга оширилган шахсга ёки уларнинг вакилига суғурта ҳодисаси содир бўлишидан аввал маълум бўлган хато, етишмовчилик ёки нуқсон;
- лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилмаган ишларни қисман ёки умумий тўхтатилиши;
- занглаши, чириши, табиий эскириши, ўзидан-ўзи ёниши ёки алоҳида предметларнинг бошқа табиий хусусиятлари, ушбу ҳодисалардан келиб чиққан бахтсиз ҳодисалар натижасида бошқа суғурталанган предметлар шикастланишидан кўрилган зарар қопланиши шarti билан;
- лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилмаган тажриба ёки тадқиқот ишлари;
- қурилиш техникаси ва транспорт воситаларининг ташқи омиллар таъсирида бўлмаган ички бузилишлари.

4.2. Ушбу Суғурта шартномаси билан қуйидагилар ҳам қопланмайди:

- қурилишда фойдаланилган нуқсонли материаллар, предметлар ёки уларнинг қисмларини алмаштириш, таъмирлаш ва тўғирлаш қиймати, шунингдек ишларни амалга оширишда хатоларни бартараф этиш қиймати. Бу истисно бевосита нуқсонли материаллар ва предметлар билан чекланиб, материаллар ва ишлардаги бундай нуқсонлар натижасида тўғри қурилган объектлар ва предметларга етказилган зарарни қопланишини истисно қилмайди.
- ёнилғи-мойлаш материаллари, кимёвий моддалар, совитувчи суюқликлар ва бошқа ёрдамчи материаллар, суғурталанган объект ишлаб чиқарган маҳсулотлар (қурилиш объектларининг суғурталанган таваккалчиликлари учун зарур бўлганларидан ташқари), қимматбаҳо металллар, тошлар, санъат асарлари, ҳужжатлар ва қимматли қоғозларнинг йўқотилиши ёки шикастланиши, шунингдек фақатгина инвентаризация пайтида аниқланган зарар ва йўқотилган фойда ёки шартномавий жарималар каби билвосита зарарлар.

4.3. Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўрсатилган бошқа ҳолатларда ҳам суғурта товони тўловидан озод бўлади.

5-БЎЛИМ. СУҒУРТА СУММАСИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИ МИҚДОРИ

5.1. Жами суғурта суммаси Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган.

5.2. Жавобгарлик бўйича суғурта товони лимити, бир ҳодиса бўйича суғурта товони лимити ва суғурта ҳодисасидан кейин ҳудудни тозалаш бўйича харажатлар чегараси Суғурта шартномасининг 1-иловасида белгиланган.

5.3. Ушбу Суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофоти ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган. Бунда суғурта мукофоти (ёки унинг биринчи қисми) тарафлар суғурта шартномасини имзолаганларидан кейин 3 (уч) иш кунидан ошмаган муддатда тўланиши шарт.

5.4. Агар мўлжалланган қурилиш ишларини тезлаштириш натижасида ишлар ушбу Суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта муддати тугашидан аввал якунланса, суғурта мукофоти қайтарилмайди.

5.5. Қурилиш объекти Суғурта қилдирувчига ёки фойдасига ушбу Суғурта шартномаси тузилган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра консервация қилинса, Суғурталовчи суғурта мукофотининг суғурта шартномаси бўйича қолган муддатга мутаносиб ҳисобланган қисмини қайтаради.

5.6. Ушбу Суғурта шартномаси бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар ушбу Суғурта

шартномасининг 1 иловасида кўрсатилган валютада амалга оширилади.

6-БЎЛИМ. ШАРТНОМА КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Ушбу Суғурта шартномаси келишилган суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми ўз вақтида тўланиши шарти билан тарафлар уни имзолаганларидан кейин кучга киради ва ушбу Шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган муддат ичида амалда бўлади.

6.2. Суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми ўз вақтидан кейин тўланган тақдирда ушбу Суғурта шартномаси келишилган суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми тўланган пайтдан бошлаб кучга киради ва ушбу Шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган муддат ичида амалда бўлади. Суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми тўланган пайт бўлиб Суғурталовчининг ёки унинг Суғурта агентининг банк ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушган кун ҳисобланади. Ушбу Шартнома билан шартлашилган суғурта суғурта шартномаси кучга киргандан кейин содир бўлган суғурта шартномаларига нисбатан қўлланилади ва суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати мобайнида амалда бўлади.

6.3. Суғурталовчининг суғурта товони тўлаш бўйича мажбуриятлари қурилиш, монтаж, ускуналарнинг дастлабки ва ишчи синовларининг тўлиқ муддати мобайнида амалда бўлади ва объектни топшириш пайтида, суғурта муддати тугаши санасидан кечикмай тугайди.

6.4. Суғурта полиси суғурта мукофоти тўланган кундан бошлаб 3 иш куни ичида берилади. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган тақдирда Суғурта полиси суғурта мукофотининг тўланган қисмига мутаносиб муддат учун берилади. Суғурта полиси йўқолган тақдирда унинг дубликатини берилиши Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси асосида кўриб чиқилади. Ариза келиб тушган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида Суғурта полисининг дубликати берилади, ундан сўнг йўқолган Суғурта полиси ҳақиқий эмас бўлиб ҳисобланади.

6.5. Агар Суғурта қилдирувчи ва/ёки Наф олувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишлар уч ойдан ортиқ муддатга тўхтатилса, Суғурта шартномаси томонлар ўртасидаги қўшимча келишувга мувофиқ кўрсатилган даврга тўхтатилиши мумкин ва ишлар қайта бошланганда Суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилингандан кейин тўхтатилган даврга суғурта муддати қўшимча суғурта мукофоти тўловисиз узайтирилиши мумкин.

6.6. Барча бошқа ҳолатларда суғурта муддати томонларнинг келишуви билан, миқдори томонлар келишуви билан белгиланган қўшимча суғурта мукофоти тўлаган ҳолда узайтирилиши мумкин.

7-БЎЛИМ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ

7.1. Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади. Қуйидагилар шундай ҳолатлар жумласига киради, чунончи:

суғурталанган мол-мулкнинг юз берган суғурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлиши;

тадбиркорлик хавфини ёки ана шу фаолият билан боғлиқ фуқаровий жавобгарлик хавфини суғурталаган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тўхтатиши.

7.2. Суғурта шартномаси ушбу шартноманинг 7.1 бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор бўлганда, суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.

7.3. Суғурта қилдирувчи (наф олувчи), агар воз кечиш пайтига келиб суғурта ҳодисанинг юз бериш эҳтимоли ушбу шартноманинг 7.1 бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича йўқолмаган бўлса, суғурта шартномасини бажаришдан истаган пайтида воз кечишга ҳақли.

Бундай вазиятда (Суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда), суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмайди.

7.4. Агарда суғурта шартномаси наф олувчи фойдасига тузилган бўлса, суғурта шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш учун унинг ёзма розилиги олиниши мажбурийдир.

8-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

8.1.1. Суғурталанган мол-мулкнинг ҳолатини, шу жумладан Ариза-сўровномада кўрсатилган шартларга мос келишини текшириши;

8.1.2. Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи ушбу Суғурта шартномаси талабларини бажаришини текшириши;

8.1.3. Суғурталанган мол-мулкни қутқариш ва асралишида бу учун керак чоарларни кўриш ва кўрсатиш орқали иштирок этиши. Суғурталовчининг ёки унинг вакиллариининг бу ҳаракатлари суғурталовчининг суғурта товони тўлаш мажбуриятини тан олиш бўлиб ҳисобланмайди;

8.1.4. Суғурта ҳодисаси қуйидагилар натижасида содир бўлса, суғурта товони тўловини рад этиши:

а) Суғурта қилдирувчининг ёки фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахснинг суғурта ҳодисаси содир бўлишига йўналтирилган исботланган қасддан қилган ҳаракатлари, у ўз фуқаролик бурчини адо этиши ёки суғурта қилдирувчи ёхуд учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва номусини ҳимоя қилиши ҳолатлари бундан мустасно;

б) Суғурталовчига суғурта объекти, таваккалчилиги даражаси ва унинг оқибатлари ҳақида аввалдан ёлғон эканлиги маълум бўлган маълумотларни тақдим этилиши;

в) Суғурталовчини Суғурта қилдирувчи ва фойдасига суғурта тузилган шахсларга маълум бўлган таваккалчилик даражасидаги сезиларли ўзгаришлар, хатолар, камчиликлар ва нуқсонлар ҳақида хабардор қилмаслиги ва суғурталовчи ёки унинг вакили зарар тафсилотлари, тавсифи ва миқдорини аниқлашда иштирок этишга қаршилиқ қилиши;

г) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўрсатилган бошқа ҳолатларда.

8.1.5. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи ёки фойдасига Суғурта шартномаси тузилган шахс зарарни олдини олиш ва қисқартириш учун оқилона чоралар кўрмаслиги билан қанчалик зарар етказилса, шу даражада суғурта товони тўловини рад этиш ҳуқуқига эга.

8.1.6. Суғурта мукофотини (ёки унинг қисмини) ушбу шартномада келишилган муддатда тўламаган тақдирда ушбу суғурта шартномасининг амал қилишини бир томонлама бекор қилиб, шу муносабат билан Суғурта шартномаси тўлов муддати тугаган пайтдан (навбатдаги тўланиши керак булган санадан) бошлаб ўз юридик кучини йўқотади (автоматик тарзда бекор бўлади) ҳамда Суғурталовчи учун суғурта товони тўлови бўйича ҳеч қандай мажбуриятлар келтириб чиқармайди.

8.2. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

8.2.1. Суғурта полисини ушбу Суғурта шартномаси билан белгиланган муддатда бериши;

8.2.2. Шикастланган мол-мулкни Суғурта қилдирувчидан суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақида ёзма хабарномани олгандан кейин 3 иш куни ичида кўриқдан ўтказиши;

8.2.3. Барча зарур ҳужжатларни олиб, суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини тан олгандан кейин суғурта тўловини ушбу Суғурта шартномасида келишилган миқдор ва муддатда амалга ошириши;

8.2.4. Ушбу Суғурта шартномаси амалда бўлган муддатда Суғурта қилдирувчининг сўровига кўра Суғурта қилдирувчига суғурта масалалари бўйича маслаҳатлар бериши;

8.2.5. Суғурта қилдирувчидан Суғурта шартномаси амалда бўлган муддатда олинган ахборотни сир сақлаши, Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ахборотни давлат идораларига тақдим этиши шарт бўлган ҳолатлари бундан мустасно.

8.3. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

8.3.1. Суғурталовчи билан келишилган ҳолда ушбу суғурта шартномасига ўзгаришлар ва кўшимчалар киритиши;

8.3.2. Суғурталовчидан суғурта масалалари юзасидан маслаҳатлар олиши;

8.3.3. Суғурта полиси йўқолган тақдирда Суғурта полисни дубликатини олиши.

8.4. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

8.4.1. ушбу Суғурта шартномасида белгиланган тартиб ва муддатда суғурта мукофотини тўлаши;

8.4.2. Суғурталовчини тарафлар ушбу Суғурта шартномасини имзоланганларидан кейин суғурта сумма, шунингдек таваккалчиликда содир бўлган ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиши. Объект қийматини 10 (ўн) % ортиқ ошишига олиб келган ўзгаришлар Суғурталовчига ушбу

Суғурта шартномаси шартларини қайта кўриб чиқиш имкониятини беради.

Суғурта шартномасини тузишда Суғурталовчига таваккалчилик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлашда аҳамиятга эга ишончли ахборотни тақдим этиши

9-БЎЛИМ. ДАЪВОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

9.1. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

а) Суғурталовчидан сўровлар ёки талабларни кутмасдан етиши мумкин бўлган зарарни камайтириш бўйича имкони мавжуд чораларни кўриши;

б) Суғурталовчини етти календарь кунда содир бўлган ҳолат тўғрисида ёзма хабардор қилиши;

в) Суғурталовчини ушбу мол-мулк бўйича бошқа суғурта ташкилотлари билан тузилган барча суғурта шартномалари ҳақида хабардор қилиши;

г) Суғурталовчига барча таснифлар, юк ҳужжатлари, дубликатлар ёки нусхаларни ҳамда суғурта ҳодисаси содир бўлиши тавсилотлари ва сабаблари ҳақида ҳукм чиқаришга имкон берувчи бошқа зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

д) зарарга тааллуқли барча хатлар, даъволар, буйруқлар ёки бошқа ҳужжатларни тақдим этиши.

9.2. Суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси оқибатларини имкони борича Суғурталовчининг вакиллари шикастланган мол-мулкни ва воа жойини кўриқдан ўтказиб, суғурта ҳодисаси оқибатларини бартараф этиш бўйича ўз ҳаракатларини Суғурталовчи билан ёзма равишда келишгандан кейин бартараф этишга киришиши мумкин.

9.3. Суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақида ёзма аризасини ва суғурта товони тўлови масаласини ҳал этиш учун зарур барча ҳужжатларни олгандан кейин таркиби Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчининг вакиллари билан, зарур ҳолатларда манфаатдор шахснинг ҳисобидан мутасадди идораларнинг вакиллари билан иборат комиссия тузилади.

9.4. Суғурталовчининг вакиллари зарар тавсилотлари, тавсифи ва миқдорини аниқлаш учун суғурта ҳодисаси содир бўлган жойни ва Суғурта қилдирувчининг ва фойдасига ушбу Суғурта шартномаси тузилган шахсларнинг тегишли ҳужжатларини текшириш имкониятига эга бўлиши шарт.

9.5. Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўртасида зарар тавсилоти, тавсифи ва миқдори юзасидан келишмовчилик келиб чиқса, масала эксперт комиссияси тарафидан ҳал этилади. Ҳар бир томон ўз экспертини тайинлайди ва бу ҳақда бошқа томонни хабардор қилади ҳамда ўз эксперти хизмат ҳақини тўлайди.

Бу қоида келишмовчиларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳал этиш бўйича томонларнинг ҳуқуқларини чекламайди.

9.6. Суғурталовчининг ёзма розилигисиз Суғурта қилдирувчи ва унинг номидан ҳеч ким ён босиш, таклифлар, ваъдалар бериш, тўловларни амалга ошириш мажбуриятини қабул қилиш ёки жавобгарликни тан олиш ҳуқуқига эга эмас.

9.7. Ушбу воқеага тааллуқли барча тавсилотлар ўрганилгандан кейин Суғурталовчи тарафидан юзага келган зарарни суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида қарор қабул қилинади.

9.8. Суғурталовчининг суғурта товонини рад этиш ёки тўлаш ҳақидаги қарори суғурта қилдирувчига у суғурта товонини тўлашни сўраб мурожаат этгандан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

10-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

10.1. Нобуд бўлган мол-мулк учун товон пули, суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтдаги тиклаш қиймати ёки алмаштириш қийматидан қайси бирининг миқдори камроқ бўлса, ўша миқдор билан чекланади.

10.2. Зарарланган мол-мулкни таъмирлаш харажатлари суғурта ҳодисаси содир бўлган пайтдаги унинг ҳақиқий қийматидан ёки алмаштириш қийматидан ошса, у нобуд бўлган ҳисобланади.

10.3. Суғурталовчи, агар зарар ушбу Суғурта шартномаси шартларига биноан қопланиши керак бўлса, уни олдини олиш ва камайтириш харажатларини қоплайди.

10.4. Мол-мулк шикастланган тақдирда Суғурталовчи таъмирлаш харажатларини уни бевосита суғурта ҳодисасидан аввалги ҳолатига келтириш харажатларини қоплайди.

10.5. Битта суғурта ҳодисасидан келиб чиққан барча зарарлар бўйича товон миқдори, шу жумладан зарарни олдини олиш ва камайтириш харажатлари ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида белгиланган тегишли суғурта товони лимитларидан ошиши мумкин эмас.

10.6. Суғурталовчи суғурта ҳодисасидан кейин ҳудудни тозалаш бўйича оқилона харажатларни суғурта пулининг 2% дан ошмаган миқдорда қоплайди.

10.7. Зарар етказганликда айбдор шахс томонидан тўлиқ қопланса, Суғурта қилдирувчи суғурта товонига бўлган ҳуқуқини йўқотади.

10.8. Агар зарар қисман ёки тегишли суғурта товонидан кам қопланган бўлса, суғурта товони Суғурта қилдирувчи зарар етказилганлиги учун жавобгар шахсдан олинган пулни ҳисобга олган ҳолда тўланади.

10.9. Суғурта қилдирувчининг ушбу Суғурта шартномасининг 3.1.2-бандига мувофиқ фуқаролик жавобгарлигини суғурталанган бўлса, Суғурталовчи томонидан суғурта товони даъвони кўриб чиқиш жараёнида белгиланган зарар миқдоридан, лекин ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида кўрсатилган суғурта товони лимитидан ошмаган миқдорда тўланади.

Агар битта суғурта ҳодисасидан фойдасига ушбу Суғурта шартномаси тузилган бир нечта учинчи шахсга зарар етса, товоннинг умумий миқдори ушбу шахслар ўртасида ҳар бир шахснинг зарари умумий зарар миқдорига бўлган нисбатда мутаносиб тақсимланади.

10.10. Суғурта товони суғурта ҳодисаси тан олиниб, комиссия зарар ва тўланиши керак бўлган суғурта товони миқдорини белгилувчи далолатнома 5 (беш) банк куни ичида тўланиши шарт.

11-БЎЛИБ. СУБРОГАЦИЯ

11.1. Суғурта товони тўлангандан кейин (тўланган маблағ чегарасида) Суғурта қилдирувчи ёки фойдасига ушбу суғурта шартномаси тузилган шахснинг зарар етказилганлигида айбдор шахслардан зарар ўрнини қопланишини талаб қилиш ҳуқуқи Суғурталовчига ўтади. Суғурта қилдирувчи айбдор шахсдан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун Суғурталовчига зарур барча ҳужжатлари тақдим этиши ва барча ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

12-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлик ёки тегишли даражада бажармаганлик учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12.2. Суғурта товонини тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажарилишини кечиктирилганлиги учун Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,15% миқдоридан, лекин тўланиши лозим бўлган маблағнинг 10% дан ошмаган миқдорда неустойка тўлайди. Неустойка тўлови Суғурталовчинини суғурта товонини тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

12.3. Томонлар ўз мажбуриятларини бажара олмасликлари енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида юзага келса, жавобгарликдан озод бўладилар. Енгиб бўлмас куч шарт-шароити таъсирида бўлган томон бошқа томонни дарҳол бундан шарт-шароит юзага келганлиги ва қанча давом этиши мумкинлиги ҳақида хабардор қилиши шарт.

13-БЎЛИМ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13.1. Ушбу Суғурта шартномасида кўрсатилган масалалар юзасидан баҳслар (низолар), талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда томонлар уларни музокара орқали ҳал этадилар.

13.2. Ушбу Суғурта шартномасидан келиб чиққан ёки у билан боғлиқ баҳслар, келишмовчиликлар ёки талабларни музокаралар йўли билан ҳал этишининг имкони бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

**ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ
ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ
СУҒУРТАЛАШ ШАРТНОМАСИ**

FK-24/K8,K9,K13

8 бет 9 бетдан

14-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

14.1. Ушбу Суғурта шартномасига барча қўшимчалар ва ўзгаришлар томонларнинг розилиги билан ёзма шаклда киритилади.

14.2. Томонларнинг ушбу Суғурта шартномасида кўрсатилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

14.3. Ушбу Суғурта шартномаси ҳар бир томонда бир нусхадан сақланувчи ва бир хил юридик кучга эга икки нусхада тузилди.

**15-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ
СУҒУРТАЛОВЧИ**

«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» AJ

Манзил: 150100, Фарғона шаҳри,
ул. Фаробий, 9/1
тел.: 73 241 59 06,
факс: 73 241 59 06.
ҳ/р: 20208000704944157030
Банк: "Трастбанк" Фарғона филиали
Банк коди 01123
СТИР 207135501
ХХТУТ 01123

СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ

"FERGANA AVTOMAT RASCHOT" MCHJ

Манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри,
ул. Ломоносова, 5/ 1
тел.: +998 (73) 244-59-84
ҳ/р: 20208000504884450001
Банк: Универсал Банк Фарғона
Банк коди 01131
СТИР 301815162
ХХТУТ

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

СУҒУРТАЛОВЧИ НОМИДАН

СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ НОМИДАН

**Фарғона филиали менежери
Шерматов М.М.**

**"FERGANA AVTOMAT RASCHOT" MCHJ
КАРИМОВ М.**



ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ
ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ
СУҒУРТАЛАШ ШАРТНОМАСИ

FK-24/K8,K9,K13

9 бет 9 бетдан

22.09.2022 йилдаги 15/24/5667 -сонли
Қурилиш-монтаж таваккалчиликларини суғурталаш шартномасининг
1-иловаси

СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Суғурта қилдирувчининг номи ва манзили: "FERGANA AVTOMAT RASCHOT" МЧЖ Пудратчи ёки суб пудратчи(лар)нинг номи: "FERGANA AVTOMAT RASCHOT" МЧЖ Қурилишнинг шартномавий қиймати:	Қурилиш пудрати шартномасининг номи, санаси ва рақами: Қурилиш майдони жойлашган манзил (суғурта ҳудуди): Фарғона вилоят Бувайда туман Қўнғирот МФЙ ҳудудида барпо этилаётган кичик саноат зонасини электр энергияси билан таъминлаш учун тармоқ тортиш ва трансформатор ўрнатиш 1 349 000 000 (бир миллиард уч юз қирқ тўққиз миллион) сўм Шартнома валютаси - сўм
№	Суғурта предмети
1.1.	Қурилиш ишлари (якуний ва дастлабки, шу жумладан бунда фойдаланиладиган барча материаллар):
1.2.	Қурилиш материаллари, ускуналар, машиналар, техника, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва бошқалар
1.3.	Суғурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин ҳудудни тозалаш хажаратлари
1.4.	Суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги таваккалчилиги
2.	Жами суғурта суммаси, шу жумладан: 1 079 000 000,00 (Бир миллиард етмиш тўққиз миллион) сўм (қурилаётган объект қийматининг 80% дан ошмаган миқдорда)
2.1.	Суғурта қилдирувчининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги таваккалчилиги бўйича суғурта товони лимити 100 000 000,00 (бир юз миллион) сўм
2.2.	Суғурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин ҳудудни тозалаш хажаратлари суғурта суммасининг 2% дан ошмаган миқдорда
3.	бир ҳодиса бўйича суғурта товони лимити 20% дан ошмаган миқдорда
4.	СУҒУРТА МУКОФОТИ 200 000,00 (икки юз минг) сўм
4.1.	Суғурта мукофотини тўлаш муддати Суғурта шартномаси имзоланган кейин 3 (уч) иш куни ичида
4.2.	Ўзаро ҳисоб-китоб валютаси сўм
5.	Суғурта шартномаси амал қилиш муддати 22 сентябрь 2022 йилдан 25 ноябрь 2022 йилгача
6.	Суғурта муддати Суғурта полисида кўрсатилганидек.

ТАРАФЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

СУҒУРТАЛОВЧИ НОМИДАН
Фарғона филиали менежери
Шерматов М.М.



М.у.

СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ НОМИДАН
"FERGANA AVTOMAT RASCHOT" МЧЖ
КАРИМОВ М.



М.у.

